

**Тошкент вилоятида олиб борилаётган қурилиш
ва ободонлаштириш ишлари ҳамда мавжуд муаммоларни
ҳал этиш юзасидан ўтказилган
2- сонли йиғилиш баёни**

Раислик қилди: **З.Ш.Низомиддинов** – Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси раҳбари

Иштирок этдилар: Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи,
республика вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари
раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси, Ҳисоб палатаси ва Вазирлар
Маҳкамаси масъул ходимлари, вилоят ҳокимининг
ўринбосарлари ва сектор раҳбарлари, Паркент,
Оҳангарон, Пискент, Юқоричирчиқ туманлари ва
Нурафшон шаҳар ҳокимлари *(рўйхат бўйича)*

КУН ТАРТИБИ:

**Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир
топшириқлар ижросини таъминлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда
вилоятда олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини
жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

(Низомиддинов, Мирзаев, Закиров, Хидоятлов, Шерматов, Мустафоев, Рустамов, Хайдаров,
Абдувалиев, Шоахмедов, Абдуллаев, Рихсиев, Салиев, Файзиев, Махмудов, Саифназаров)

Йиғилишда Тошкент вилоятида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш, “маҳаллабай” ишлаш асосида аҳоли муаммоларини аниқлаш ва ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳисоботлари эшитилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича ишлар ҳолати юзасидан ҳисоботларни ҳамда билдирилган фикрлар ва таклифларни инобатга олиб, Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, мавжуд муаммоли масалаларни ҳал қилиш мақсадида йиғилиш **қарор қилади:**

1. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев, Файзиев) Ипотека-банк (Иномжонов), Ўзсаноатқурилишбанк (Аннакличев), Асака банк (Сайдуллаев), Қишлоқ қурилиш банк (Муратов), вилоят ва туманлар секторлари билан биргаликда **бир ой муддатда** вилоятда 2018-2020 йилларда “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК томонидан уй-жойга муҳтож аҳоли учун қурилган уйларда бажарилган ишлар учун тўланмай қолган 54,7 млрд.сўм қарздорликларни аҳолининг ўз маблағлари ва тижорат банклари томонидан молиялаштириш юзасидан барча зарур чораларни кўрсин.

2. Автомобиль йўллари кўмитаси (Абдувалиев) Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** 2020-2022 йилларда Тошкент вилояти шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида (Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 13 мартдаги 149, 150, 151, 152-сон қарорларига асосан) йўлларни таъмирлаш учун ажратилиши режалаштирилган иловадаги 23,2 млрд.сўм маблағларни 2022 йилда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари учун давлат бюджетида кўзда тутилган маблағлар доирасида молиялаштириш юзасидан таклиф киритсин.

3. Қурилиш вазирлиги (Закиров), Автомобиль йўллари кўмитаси (Абдувалиев), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) Паркент шаҳрининг тасдиқланган бош режасида белгиланган А.Навоий ва Ўзбекистон кўчаларидаги йўлларни 48 метргача кенгайтириш масаласини ўрганиб чиқиб, **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Ушбу кўчаларда бузилишга тушган 98 та уй-жой ва 87 та нотурар бинолар эгаларига компенсация тўлаш учун:

Молия вазирлиги (Ишметов) давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича республика жамғармасидан босқичма-босқич 70 млрд.сўм маблағ ажратсин;

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) талаб этиладиган маблағнинг қолган қисмини қоплашни ҳудудий жамғарма ҳамда йўл чети ер майдонларини сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширсин.

4. Паркент тумани ҳокимлиги (Шоахмедов) Паркент деҳқон бозори атрофидаги тирбандликни олдини олиш мақсадида хусусий тадбиркорларни жалб қилган ҳолда, бозорнинг Паркентсой томонидан вақтинчалик савдо шохобчалари ва автотурагоҳ ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (Бобоев), Паркент тумани ҳокимлиги (Шоахмедов) билан биргаликда Паркент туманида “Ўзум сайли” фестивалини ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, **бир ой муддатда** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (Бобоев) ва Паркент тумани ҳокимлиги (Шоахмедов)нинг “Ўзум сайли” фестивалини ўтказиш учун керакли мутахассисларни хориждан жалб этиш ва уларга талаб этиладиган маблағларни Агентликнинг виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан қоплаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев)нинг “Узум сайли” фестивалини кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида, йўл инфратузилмасини яхшилаш ва фестивални ташкил этиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар учун тегишли ҳисоб-китоблар асосида маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Туризм ва спорт вазирлиги (Абдуҳакимов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев):

а) Паркент тумани “Хўжа” МФЙда жойлашган 2018 йил Инвестиция дастурига асосан Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК буюртмачилигида қурилиши бошланган “Кураш аренаси” объектини **2022 йил якунига қадар** қуриш ишларини якунлаб, фойдаланишга топширилишини таъминласин;

б) “Кумушкон” туризм қишлоғида жойлашган Жисмоний тарбия ва спорт университети балансидаги бугунги кунда фойдаланилмаётган, бўш турган бино ва иншоотларни ҳамда 13,1 гектар ер майдонидан самарали фойдаланиш бўйича **икки ой муддатда** таклиф киритсин ёки туман захирасига топшириш чораларини кўрсин;

в) Паркент тумани “Кумушкон” туризм қишлоғидаги аҳоли ҳамда янгидан ташкил этилаётган туризм объектлари учун ичимлик сув тармоқларини қуриш лойиҳаси доирасида:

“Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) билан биргаликда “Чотқол” тоғ тизмаларида жойлашган “Қашқа” сув манбасидан қувурларни тортиш лойиҳасини **бир ҳафта муддатда** қайта кўриб чиқсин ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда ушбу маҳалла аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш чораларини кўрсин;

Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) билан биргаликда экспертиза ҳулосасига асосан талаб этиладиган қўшимча маблағларни 2022 йилда туризм объектларини ривожлантириш учун ажратилган лимитлар ҳисобидан молиялаштирсин.

7. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Умаров) **бир ой муддатда** Бокс бўйича миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулотлар базаси атрофида спорт зал, ётоқхона, ошхона ҳамда бошқа маиший хизмат бино ва иншоотларини қуриш учун белгиланган тартибда камида 1 гектар ер майдони ажратилишини таъминласин.

8. Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев) “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан биргаликда **ўн кун муддатда** Паркент каналига ажратиладиган сув ҳамда насос станциялари учун ажратилган электр энергия режасини эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқсин ва “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ (Исакулов) билан келишган ҳолда, қўшимча лимит ажратиш таклифларини киритсин.

9. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) **бир ой муддатда**:

Пискент туманининг Бош режасига мувофиқ, туман марказининг архитектуравий кифасини яхшилаш, А.Темур кўчасидан туман марказига олиб боровчи 2,2 км автомобиль йўлини кенгайтириш ҳамда туман марказидан “Ғайрат” МФЙ ҳудудигача бўлган 1,2 км йўлни 2022 йилги Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида давлат бюджетидан туман/шаҳар марказларини ободонлаштириш учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан таъмирлаш;

Ёшлар ишлари агентлиги (Саъдулаев) билан биргаликда Пискент тумани марказидаги собиқ пахта тозалаш корхонаси ҳудудида Ёшлар ишлари агентлиги ҳисобидан “Ёшлар маркази” ва “Кутубхона” барпо этиш юзасидан таклиф киритсин.

10. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (Хайдаров) Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари уюшмаси (Рахматов) билан биргаликда Пискент тумани “Ғайрат” МФЙ ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида “REAL AGRO COTTON” МЧЖ томонидан 500 та иш ўринли тўқимачиликка ихтисослашган корхона ташкил этиш чораларини кўрсин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоят), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Молия вазирлиги (Ишметов) **ўн кун муддатда** илмий техник кенгаш томонидан тасдиқланган техник иқтисодий асослар бўйича Пискент тумани ичимлик сув ҳамда оқова сув тармоқлари қурилиши ишлари учун Европа инвестиция банки ҳисобидан амалга оширилган ишлардан иқтисод қилинган маблағларни йўналтириш юзасидан таклиф киритсин.

12. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоят) ва Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев)нинг Тошкент вилояти иссиқлик таъминоти корхоналарининг реконструкция қилинган қувурларидан “Тошкент сув таъминот” МЧЖ томонидан беғараз фойдаланишга рухсат бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

13. Молия вазирлиги (Ишметов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) **бир ҳафта муддатда** “Янгийўл шаҳри оқова сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш” объектига оқова сув тозалаш ускуналарини харид қилиш ҳамда қурилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида, бош пудратчига 13 млрд.сўм маблағни бўнак (аванс) тариқасида молиялаштиришга рухсат берсин.

14. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Умаров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) **ўн кун муддатда** Пискент тумани “Ғайрат” МФЙ ҳудудида ташкил этилган енгил конструкцияли иссиқхона (парник) тажрибасини кенгайтириш ҳамда тумандаги ишсиз аҳолини иш билан банд қилиш мақсадида шу ҳудуддан қўшимча иссиқхоналарни ташкил қилиш учун бўш турган ер майдонларини аниқлаб, очиқ электрон танловлар орқали ажратиш учун “E-IJARA” ахборот тизимига киритсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов) **бир ой муддатда** Пискент тумани “Ғайрат” МФЙ ҳудудида енгил конструкцияли иссиқхона (парник) ташкил этиш учун “E-IJARA” ахборот тизимига киритилган ер участкаларини очик электрон танловлар орқали ажратилишини таъминласин.

15. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов) билан биргаликда **бир hafta муддатда** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 764-Ғ-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “Чиноз пахта тозалаш” АЖ ҳамда “Пискент пахта тозалаш” АЖга тегишли бино ва иншоотларни баҳоланган қийматда тегишли равишда Чиноз тумани ва Пискент тумани ҳокимликларига ўтказган ҳолда, “E-auksion” электрон савдоларига чиқариш чораларини кўрсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) Юқоричирчиқ тумани Ийк-ота ҳудудидан ўтувчи 4Р12 автомобиль йўлининг 1-6 км қисмидаги бузилишга тушган объектлар эгаларига 72,8 млрд.сўм компенсация маблағлари тенг улушда Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни коплаш бўйича республика жамғармаси ва тегишлилиги бўйича ҳудудий жамғармалар маблағларидан ажратиш чораларини кўрсин.

17. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Молия вазирлиги (Ишметов) **бир ой муддатда** “Ангрен ИЭС” АЖдан “Ангрен иссиқлик энергияси” ДУК балансига қабул қилиб олинган магистрал иссиқлик тармоқларини Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар ва республика бюджетида қўшимча аниқланадиган захира маблағлари ҳисобидан таъмирлаш юзасидан таклиф киритсин.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) **уч ой муддатда** мазкур объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрласин.

Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Норкулов):

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур маблағларни ажратсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан талаб этиладиган маблағларни 2022-2023 йилларда Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида назарда тутсин.

18. Энергетика вазирлиги (Султанов), “Ўзтрансгаз” АЖ (Нарматов), “Худудгазтаъминот” АЖ (Эшмурадов), Молия вазирлиги (Ишметов) **жорий йил 1 апрелга қадар** Чиноз туманида узоқ йиллар давомида газ танқислиги кузатилаётган 11,2 мингдан зиёд аҳоли хонадонлари, 25 та ижтимоий соҳа объектлари ҳамда иқтисодиёт тармоқларини бир меъёрда табиий газ билан таъминлаш мақсадида “Исломобод” маҳалласи ҳудудида янги газ тақсимлаш станцияси ва 2,5 км газ тармоғи қурилишини таъминласин.

Бунда:

бир ҳафта муддатда Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Чиноз тумани “Исломобод” МФЙ ҳудудида янги газ тақсимлаш шохобчаси қуриш учун “Худудгаз Тошкент” газ таъминоти филиалига ажратилган ер майдони “Ўзтрансгаз” АЖ тасарруфидаги Тошкент магистрал газ қувурлари бошқармасига қайта расмийлаштирилсин;

“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан Сирдарё вилояти, Бахт шаҳри ҳудудида фойдаланишдан чиқарилаётган “Бахт Инвест Нур” газ тақсимлаш шохобчаси демонтаж қилиниб, Тошкент вилояти Чиноз тумани “Исломобод” МФЙ ҳудудига ўз маблағлари ҳисобидан кўчирилсин;

“Худудгазтаъминот” АЖ томонидан “Исломобод” МФЙ ҳудудига кўчирилаётган газ тақсимлаш шохобчасидан мавжуд газ тармоқларига қадар 2,5 км узунликдаги табиий газ тармоғини ўз маблағлари ҳисобидан қуриш чоралари кўрилсин.

19. Автомобиль йўллари кўмитаси (Абдувалиев) Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), “Ўзйўлкўкалам” ДУК (Шукуров) билан биргаликда:

2022 йилда М39 йўлининг Тошкент шаҳридан Чиноз тумани ҳудудига қадар бўлган ҳамда 4Р12 йўлининг Бўстонлик тумани ҳудудига қадар қисмларининг икки ён томонига дарахт экиш учун талаб этиладиган кўчатларни “Ўзйўлкўкалам” ДУК ҳисобидан етказиб бериш ҳамда ҳокимлик билан ҳамкорликда экиш ишларини ташкиллаштирасин;

А-373а йўлининг Оҳангарон тумани ҳудудидан ўтган қисмининг 2 ён томонига экилган дарахт кўчатларини суғориш тизимини “Ўзйўлкўкалам” ДУК ҳисобидан амалга оширсин.

Оҳангарон тумани (Абдуллаев), Паркент тумани (Шоахмедов) ва Пискент тумани (Рихсиев) ҳокимлари **2022 йил 1 апрелга қадар** туман ҳудудидаги ички кўчалар, йўл бўйлари, маҳаллаларга кириш кўчалари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар олди қисмига дарахт кўчатлари экиш ишларини ташкил қилсин.

Бунда, автомобиль йўлларининг ён томонларига дарахт ва кўчатлар экиш бўйича лойиҳа таклифларини **бир ҳафта муддатда** ишлаб чиқиб, Қурилиш вазирлиги ва Автомобиль йўллари кўмитаси билан келишиб, экиш ишларини амалга оширсин.

20. Оҳангарон тумани ҳокимлиги (Абдуллаев) **2022 йил 10 апрелга қадар:**

“Унгут”, “Ўзбекистон”, “Қорахтой”, “Ялпоқтепа”, “Ёнарик” маҳаллалари ва “Нуробод” шаҳарчаси ҳудудидан ўтувчи А-373 халқаро автомагистрал йўли бўйидаги бўш майдонларга манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экиш, мавжуд дарахтларни буташ ва қуриган дарахтлар ўрнига янги кўчатлар экиш, экилган дарахтларни суғориш бўйича сув таъминоти йўлга қўйилишини;

Нуробод шаҳарчаси “Ёшлар маркази” биноси атрофидаги майдонларда манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилишини таъминласин.

21. Оҳангарон тумани ҳокимлиги (Абдуллаев) **2022 йил 1 апрелга қадар** туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ва туман ободонлаштириш бошқармаси билан биргаликда Нуробод шаҳарчаси марказий кўчасидаги тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш ишларини якунласин.

22. Оҳангарон тумани ҳокимлиги (Абдуллаев) **2022 йил 1 апрелга қадар** Нуробод шаҳарчаси Марказий кўчасидаги мавжуд кўп қаватли уйларнинг фасад қисмини таъмирлаш ва тартибга келтирилишини ташкил қилсин.

23. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Халқ таълими вазирлиги (Саидов), Қурилиш вазирлиги (Адилов), Оҳангарон тумани ҳокимлиги (Абдуллаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Оҳангарон туманидаги 7 та пахсадан қурилган (9-, 19-, 22-, 32-, 43-, 46-, 47-сонли) умумтаълим мактабларининг филиаллари ҳолатини жойига чиққан ҳолда, атрофлича ўрганиб чиқсин;

ўрганиш натижалари бўйича, шунингдек ҳудудлардаги ўқувчилар сонининг ўсиши ва асосий мактабларнинг узоклигини инобатга олган ҳолда, филиалларнинг қувватини қайта кўриб чиқиб, янгидан қурилишини 2022 йил Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширсин.

24. Қурилиш вазирлиги (Закиров) **икки ҳафта муддатда** умумтаълим мактабларининг филиаллари қурилишида, жумладан қурилиш материаллари конструкциялари (*сэндвич панел ёки пишиган гишт*)дан фойдаланиш юзасидан аниқ ҳисоб-китоблар асосида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

25. “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси (Хошимбеков), Оҳангарон тумани ҳокимлиги (Абдуллаев) Оҳангарон тумани “Унгут” МФЙ ҳудудида 192 ўринли янги мактаб биносини қуриш ишларини **уч ой муддатда** якунлаб, фойдаланишга топширилишини таъминласин.

26. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (Саидов) **бир ҳафта муддатда** Оҳангарон тумани Нуробод шаҳарчасидаги янги барпо этилган Ёшлар маркази кутубхонасига 2 минг дона энг сара бадиий китоблар жамланмасини етказиб беришни таъминласин.

27. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Халқ таълими вазирлиги (Саидов), Мактабгача таълим вазирлиги (Шин), Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда 2022 йилга мўлжалланган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган Оҳангарон туманидаги “Алишер” ва “Чувилдоқ” МФЙлардаги мавжуд таълим муассасаларини қуриш ҳамда мукаммал таъмирлаш бўйича қуйидаги таклифларни мазкур Дастурларда инобатга олиш чораларини кўрсин:

“Чувилдоқ” МФЙ Қорақалпоқ қишлоғида 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қуриш, шунингдек 29-сон мактабнинг мавжуд биносини мукаммал таъмирлаш ва қўшимча 120 ўринли ўқув биноси қуриш, 30-сон мактаб учун қўшимча 120 ўринли ўқув биноси, фаоллар зали ва ошхона қуриш, 2006 йилда қурилган эски 80 ўринли ўқув биносини мукаммал таъмирлаш;

“Алишер” МФЙдаги авария ҳолатидаги 50-сон мактабгача таълим ташкилоти биноси негизида 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биносини қайта қуриш, маҳалла аҳолиси учун 240 ўринли янги умумтаълим мактаби қуриш.

28. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Умаров) вилоятда жорий йилда амалга ошириладиган 35 та ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш, реконструкция қилиш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини қисқа муддатларда ишлаб чиқиш ҳамда экспертиза ҳулосаларини олиш мақсадида, **бир ҳафта муддатда** зарур ер майдонларини ажратсин ва тасдиқланган архитектура режалаштириш топшириғини буюртмачига тақдим қилсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “2021–2022 йилларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4916-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси (Хайдаров), Ўзбекистон пахта тўқимачилик кластерлари уюшмаси (Рахматов) тегишли тижорат банки билан биргаликда Оҳангарон тумани “Сусам” маҳалласида биринчи босқичда 400 ўринли ва иккинчи босқичда 300 ўринли тикувчилик корхонаси қурилишини тезлаштириш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев), “Ўзбекгидроэнерго” АЖ (Сангинов) Оҳангарон туманидаги “Тоштепа сув омборини қуриш” лойиҳасини амалга оширишни тезлаштириш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) **бир ой муддатда** Оҳангарон тумани “Нуробод” кўрғонида маданият маркази биносини қуриш ва ушбу маданият маркази ҳудудида санъаткорлар боғини барпо этиш ишларига маблағ ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин. Бунда, мазкур объект қурилиши лойиҳа таклифларини Қурилиш вазирлиги (Закиров) **бир ҳафта муддатда** кўриб берсин;

Оҳангарон туман ҳудудидан ўтувчи 4К-759 “Олмалиқ ш.-Телов қ.-Облик қ.” йўналиши бўйича йўлнинг (23-45,5 км) оралик қисмларини мукамал таъмирлаш ишлари, Халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан 2021-2022 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилганлигини инobatга олиб, Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) объектнинг қурилиш ишлари учун пудратчи ташкилот танлаш бўйича тендер савдоларини ўтказишни тезлаштирсин.

30. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидаятов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ-4916-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

бир ой муддатда 2021 йилда қурилиш-монтаж ишлари бошланган Оҳангарон туманидаги “Убайд”, “Қизилой”, “Шодмалик” МФЙда ичимлик сув тизимларини қуриш ишларини якунлаш учун талаб этиладиган 9,3 млрд.сўм маблағларни лойиҳаларни амалга ошириш учун тасдиқланган тегишли манбалар ҳисобидан ажратилишини;

2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилиши белгиланган янгидан бошланадиган 6 та объектда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун зарур маблағларни лойиҳа-қидирув ишлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ажратилишини таъминласин.

Янгидан бошланадиган 6 та объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, лойиҳалар қийматига аниқлик киритилгандан сўнг, уларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағларни молиялаштириш манбалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров):

йилдан-йилга ўтувчи объектларда қурилиш-монтаж ишларини **жорий йилда** якунлаш;

бир ой муддатда янгидан бошланадиган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертиза хулосаларини олиш чорасини кўрсин.

31. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев, Шарипов):

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), тегишли вазирликлар ва ташкилотлар, тижорат банклари ҳамда лойиҳа ташбўскорлари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ-4916-сон қарори билан тасдиқланган Оҳангарон туманида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг ҳолатини жойига чиққан ҳолда ўргансин;

ўрганиш якунлари ҳамда аниқланган муаммолардан келиб чиққан ҳолда, инвестиция лойиҳалари қиймати ва иш ўрнини сақлаб қолиш шарти билан, манзилли рўйхатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича келишилган ва асосланган таклифларни Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига киритсин.

32. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Оҳангарон тумани ҳокимлиги (Абдуллаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Иноятов):

икки ҳафта муддатда Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонасида курилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларини тўлиқ якунлаш чораларини кўрсин;

бир ой муддатда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан мазкур марказий шифохона фаолиятини бошлаши учун зарур бўлган дастлабки қиймати 1,8 млрд.сўмлик 78 турдаги 514 дона тиббий асбоб-ускуналарни ўрнатилган тартибда харид қилиш чораларини кўрсин;

жорий йил 20 мартга қадар Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмаси марказий шифохонасининг (қабул бўлими, терапия, кардиология, ревматология ва болалар бўлимлари)ни тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

33. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Иноятов) Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** 2022 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида тиббиёт муассасаларини жиҳозлашга ажратилган маблағлар ҳисобидан Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонасига 25 турдаги 37 дона тиббий асбоб-ускуналарни харид қилиш учун 4,2 млрд.сўмлик маблағлар ажратилишини таъминласин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Иноятов) **икки ой муддатда:**

Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси учун зарур бўлган 25 турдаги 37 дона тиббий асбоб-ускуналарни тендер савдоларини ўтказиб, харид қилиш чораларини кўрсин;

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан биргаликда Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасининг хирургия, шошилиш тез ёрдам, реанимация бўлимлари ҳамда туғруқ мажмуасини тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

34. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Иноятов), Молия вазирлиги (Ишметов) 140 ўринли Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси учун штат нормативига кўра қўшимча равишда етишмаётган 90 та ўрин ажратиш чорасини кўрсин.

35. Оҳангарон тумани ҳокимлиги (Абдуллаев)нинг 207,7 гектар ер майдонида цемент, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари, тилла ва бошқа рангли металллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган саноат зоналарини ташкил қилиш бўйича таклифига розилик берилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Умурзаков), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Холхўжаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) билан биргаликда **икки ой муддатда** Оҳангарон туманида саноат зоналарини ташкил этиш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, мазкур саноат зоналарини ташкил қилиш учун таклиф этилаётган лалми ва яйлов ер майдонларини белгиланган тартибда саноат тоифасига ўтказиш ҳамда саноат зоналарида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини шакллантириш назарда тутилсин.

36. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Мактабгача таълим вазирлиги (Шин) билан биргаликда **бир ой муддатда** 2022 йил ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Тошкент вилоятидаги мактабгача таълим муассасаларига ажратилган маблағларнинг иқтисод қилинган ва ўзлаштирилмаган қисми ҳисобидан Нурафшон шаҳридаги “Учқун” маҳалласидаги 1-сонли, “Бирлик” маҳалласидаги 11-сонли ҳамда “Қумариқ” маҳалласидаги 23-сонли мактабгача таълим ташкилотларини янгидан қуриш ишларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига таклиф киритсин.

37. “Худудий электр тармоқлари” АЖ (Мустафоев) “Нурафшон” нимстанциясини қуриш ва электр кабеллари учун 2021 йилда ажратилмай қолган 20 млрд.сўм пул маблағларини ажратиш чораларини кўрсин.

38. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан биргаликда **ўн беш кун муддатда** Нурафшон шаҳри худудидаги қишлоқ хўжалиги ер майдонларини қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар тоифасига ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган ҳамда вазирликлар ва идоралар билан келишилаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

39. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Вафаев) “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) билан биргаликда:

Бўстонлиқ тумани, “Кичиксой” ва “Бирлик” МФЙлар аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида Оқтош худудида “Сув тўплаш иншооти” қуриш ишларини Тошкент вилоятида халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида амалга ошириш чораларини кўрсин;

Бўстонлик тумани “Сари Қангли” МФЙ ҳудудидаги Сари Қангли, Жийдазор, Қора ёғоч ва Шокпар кўчаларида жойлашган 351 та хонадонда яшовчи 1 610 нафар аҳолини марказлашган тоза ичимлик сувига улаш чораларини кўрсин.

40. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев, Шарипов) **икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПК-5088-сон қарорига мувофиқ Тошкент вилоятининг Тошкент, Зангиота, Ўртачирчик, Паркент туманлари ҳамда Янгийўл ва Чирчик шаҳарларида ташкил этилиши кўзда тутилган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудуди суғориладиган ерлар тоифасига кирганлигини инобатга олган ҳолда, ўрнига бошқа ҳудудларда бўш турган ер майдонлари ва бино-иншоотларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш бўйича Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига таклиф киритсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Умурзаков) тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳудудларда ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил этиш бўйича барча вилоятлардан таклифларни умумлаштириб, масала ечими юзасидан тегишли чораларни кўрсин.

41. Автомобиль йўллари кўмитаси (Абдувалиев), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) вилоят ҳудудидаги автомобиль йўлларида мавжуд бўлган таъмирталаб ва авария ҳолатидаги 13 дона (473 метр) кўприк ва йўл ўтказгичларни таъмирлаш ва молиялаштириш, уларни бажариш муддатлари ва манбалари масалаларини ўрганиб, **икки ой муддатда** таклиф киритсин.

42. Транспорт вазирлиги (Маҳкамов), Марказий банк (Захидов) Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) тегишли тижорат банклари билан биргаликда вилоят ҳудудида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган 130 та корхоналардаги фойдаланиш муддати 15 йилдан кўп бўлган жамоат транспортлари (автобуслар)ни босқичма-босқич янгиларига алмаштиришни алоҳида-алоҳида ўрганиб, уларга кредит маблағлари ажратиш масаласини **бир ой муддатда** ҳар бир корхонага индивидуал ёндашган ҳолда ўрганиб чиқиб, асосланган таклиф киритсин.

43. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятлов) Энергетика вазирлиги (Султанов) ва барча вилоят ҳокимликлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** иссиқлик таъминоти корхоналарининг молиявий аҳолини инобатга олиб, энергоресурс таъминотчилари олдидаги кредитор қарздорлик муддатини узайтириш, картотека-2 дан ечиш ҳамда дебитор қарздорликдан туширилган маблағнинг 30 фоизини таъмирлаш ишларига йўналтириш бўйича таклиф киритсин.

Бунда, “Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг бюджет ва газ етказиб берувчи корхоналар олдидаги, иш ҳақи ва инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун жалб қилинган кредитлар бўйича мажбуриятларини инобатга олиб, иссиқлик таъминоти корхоналарининг табиий газ етказиб берувчилар олдидаги

қарздорликлари бўйича тўловларни кечиктириш муддатларига мутаносиб равишда “Худудгазтаъминот” АЖнинг табиий газ етказиб берувчи корхоналар – “Ўзтрансгаз” АЖ, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва бюджет олдидagi қарздорликларини муддатини ҳам узайтириш назарда тутилсин.

44. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Хасилов), “Ўзсувтаъминот” АЖ (Саифназаров) **бир ҳафта муддатда** Оҳангарон тумани “Эйвалек” кўрғонига қарашли кўп қаватли уйлар ва бошқа объектларга хизмат кўрсатувчи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ балансидаги ичимлик ва оқова сув иншоотлари ва тармоқлари таъмирталаб аҳволда эканлигини инобатга олиб, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ томонидан ичимлик ва оқова сув иншоотлари ва тармоқларини таъмирлаб, кейин “Тошкент сув таъминоти” МЧЖ балансига беғараз топширилиши юзасидан таклиф киритсин.

45. Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Умаров) билан биргаликда **бир ой муддатда** Тошкент вилояти ҳокимлиги биносига туташ Нурафшон шаҳри, Спорт кўчаси, 192-уй манзилида жойлашган Давлат кадастр палатаси Тошкент вилояти бошқармаси балансидаги бир қаватли бинони ҳокимлик балансига тегишли ҳудуди билан белгиланган тартибда беғараз бериш чораларини кўрсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ходимларининг 30 фоизи бошқа биноларда ишлаётгани иш сифатига салбий таъсир кўрсатаётганлиги, автогараж йўқлиги боис хизмат машиналари ҳайдовчилар уйида сақланишини инобатга олиб, вилоят ҳокимлиги биносига яқин жойлашган тадбиркорга тегишли 3 қаватли бинони Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг қўшимча маблағлари ҳисобидан харид қилинишига розилик берилсин.

Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) ҳокимлик биносига яқин жойлашган тадбиркорга тегишли 3 қаватли бинони ва ҳокимлик биносига туташ ҳудуддаги кадастр корхонасига тегишли бир қаватли бинони таъмирлаш ишларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширсин.

46. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ–4565-сон қарорининг тегишли банди ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида, Тошкент вилояти ИИББ ЙҚХБ маъмурий биноси объекти қурилиш ишлари бўйича тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига нисбатан жорий ҳисобланганда ошиб кетган қурилиш ишлари ҳажмини молиялаштириш тўғрисидаги тегишли ҳужжат лойиҳасини **ўн кун муддатда** белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

47. “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ (Хурсанов)нинг **жорий йилда** Олмалик шахридаги туғруқ комплексини таъмирлаш ва тиббий жихозлар билан таъминлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

48. Сув хўжалиги вазирлиги (Хамраев), Фавқулудда вазиятлар вазирлиги (Қўлдошев), Қурилиш вазирлиги (Закиров), Давлат геология қўмитаси (Исламов) Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан биргаликда Паркентсойнинг Кумушкон худудидан ўтадиган қисмидан аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини доимий таъминлаш мақсадида, сунъий кўл ташкил этиш масаласини ўрганиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

49. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда **бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2021 йил 25 июндаги (SQ-326-IV-сон) қарорига асосан, “Қизилтоғ” кўргонини Паркент туманига қўшилиши муносабати билан Паркент тумани ҳокимлигига қўшимча ҳоким ўринбосари штат бирлиги ажратиш юзасидан тегишли ҳужжат лойиҳасини тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

50. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) **уч ой муддатда** Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманлар Ободонлаштириш бошқармалари биноларини қуриш (реконструкция қилиш), шу жумладан ходимларига шароит яратиш учун биноларни маиший хоналар билан таъминлаш ишларини якунига етказсин.

51. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов) Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нурафшон филиали худудида Тошкент вилояти IT-парк филиалининг қурилишини ҳамда зарур жихозлар билан таъминланишини ташкил этсин.

Бунда, Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) мазкур IT-парк филиали қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 25 млрд.сўм маблағ ажратилишини таъминласин.


52. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов) **икки ой муддатда** Тошкент вилояти Тошкент туманининг Қозоғистон Республикаси билан чегарадош аҳоли яшаш масканларида мобиль алоқа ва интернет қамрови ҳолатини ўрганган ҳолда, мобиль алоқа хизматлари сифатини яхшилаш чораларини кўрсин.

53. Санитария-эпидемиология, осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати (Юсупалиев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Холхўжаев) вилоятдаги Санитария-эпидемиология, осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Бўстонлиқ, Паркент, Юқоричирчиқ, Чиноз туман бўлимлари бинолари авария ҳолатида эканлигини инобатга олиб, биноларни реконструкция қилишни Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига босқичма-босқич киритиш чораларини кўрсин.

54. Мазкур баён топшириқларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Раматов ва Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи З.Мирзаев зиммасига юклансин.

55. Ҳисоб палатаси (Саидкаримов) ушбу баён топшириқларининг белгиланган муддатларда ва сифатли амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилишини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ахборот киритиб борилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

 А.Арипов

2022 йил “14” февраль

№ 02-361

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
раҳбари**

 З.Низомиддинов

2022 йил “14” февраль

**Тошкент вилояти шаҳарларини ижтимоий-иқисодий ривожлантириш дастурлари доирасида
йўл-инфраузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари**

Тр	Тадбирлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Қиймати, млн.сўм
Олмалик шаҳрида йўл инфраузилмасини яхшилаш бўйича комплекс-чора тадбирлар (ВМ 149-сон қарори 13.03.2020 й.)				
1	"Теракли" маҳалласига 4Н-752 олиб борувчи йўлни жорий таъмирлаш	км	14	2 100
2	"Увайсий" маҳалласидаги 4 Р-18 Б. Улугбек кўчасини жорий таъмирлаш	км	2,2	2 000
3	4Р17Ж автомобиль йўлининг Олмалик шаҳридан ўтган 3 - 8 км қисмини жорий таъмирлаш	км	3,2	2 500
	Жами	км	19,4	6 600
Бекобод шаҳрида йўл инфраузилмасини яхшилаш бўйича комплекс-чора тадбирлар (ВМ 150-сон қарори 13.03.2020 й.)				
1	4Р20 "Қорасув-Бўқа-Бекобод" автомобиль йўли 102 - 103 км ва 106 - 109 км оралиғини (пиёдалар йўлакларини қуриш ва таъмирлаш, тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш, суғориш тизимини қуриш, кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахтлар экиш)	км	4	2 000
2	4Н745 "4Р20 автойўли (102 км) - 11, 12, 13, 14-дахалар" автомобиль йўлини 0 - 2 км қисмини (пиёдалар йўлакларини қуриш ва таъмирлаш, тунги ёритиш чирокларини ўрнатиш, суғориш тизимини қуриш, кўкаламзорлаштириш, манзарали дарахтлар экиш)	км	2	1 000
3	4Н747 У.Носир кўчасини жорий таъмирлаш	км	1	500
4	4Н744 Меъмор кўчасини (2,0 км), Истиклол кўчасини (1,0 км) жорий таъмирлаш	км	3	1 800
	Жами	-	10	5 300
Ангрен шаҳрида йўл инфраузилмасини яхшилаш бўйича комплекс-чора тадбирлар (ВМ 151-сон қарори 13.03.2020 й.)				
1	4Р-184 Ангрен шаҳрини айланиб ўтиш йўлининг ("Ангрен кўмири кони" тача қисмини) 14 - 16 км оралиғидаги қисмини жорий таъмирлаш	км	2	1 200
2	4Р-176 "А373 автойўлидан Ангрен шаҳрига шохобча йўлининг" автомобиль йўлининг 3 - 7 км қисмини жорий таъмирлаш	км	4	2 100
	Жами	км	6	3 300
Чирчиқ шаҳрида йўл инфраузилмасини яхшилаш бўйича комплекс-чора тадбирлар (ВМ 152-сон қарори 13.03.2020 й.)				
1	4Р8 "М39 автомобиль йўлининг (813 км) - Май к. - Чирчиқ ш." 21 - 23 км (А.Қодирий кўчаси) қисмини таъмирлаш	км	2	2 000
2	4Р12 (б) автомобиль йўлининг "Чирчиқ шаҳар шохобчаси" 0 - 4 км (В.Қодиров ва Рамзон кўчалари) қисмини таъмирлаш	км	4	4 000
3	4Қ-739а "Тошкент ш. - Чирчиқ ш. - Чимён к." автомобиль йўлининг "Ўйингоҳ" ва "Бўстон" шихатгоҳига шохобча" 0 - 3 км (Спортчилар ва В. Х айдаров кўчалари) оралиғини тўла таъмирлаш	км	3	2 000
	Жами	-	9	8 000
	Ҳаммаси	-	44	23 200